

Date: 27th March-2025

ЕРГА ОИД ОММАВИЙ НИЗОЛАРНИ ТААЛЛУҚЛИЛИГИ

Зайнабхон Тождидиновна Уринова

Аннотация: Ушбу мақолада ерга оид низоларни кўришда тааллуқлиликнинг масалалари ёритилди.

Калит сўзлар: ер, низо, тааллуқлилик, суд, хокимият, давлат, моддий, ҳудуд, ҳуқуқ, мақом, ваколат.

Аннотация: в данной статье рассматриваются вопросы, имеющие отношение к рассмотрению земельных споров.

Ключевые слова: земля, спор, отношение, суд, собственность, государство, материальное, территория, закон, статус, власть.

Abstract: This article discusses issues related to the consideration of land disputes.

Keywords: land, dispute, relationship, court, property, state, material, territory, law, status, authorities.

Ер муносабатлари давлат шаклланиши билан боғлиқ жараёнлар ҳисобланади. Ер билан боғлиқ муносабатлар мазмунан бир қанча ҳусусиятларни ўз ичига олади ва низолар ҳам мутаносиб ушбу ҳусусият билан боғлиқ ҳал этилади.

Жумладан ҳусусиятларни қуйидагича белгилаймиз:

1. Ер давлатнинг асосий воситаси сифатида (буюклигини, тахдидини белгиловчи);
2. Ер давлатнинг ҳудудий асоси (асосий белги, дахлсизлигини таъминлаш шарт);
3. Ер моддий бойлик(ер ости ва ер усти бойликлари);
4. Ер инсоннинг яшаш макони (инсон ва барча қуруқлик жонзотлари учун ҳаёт кечириш зарурийлиги) ва х.з

Ер масалалари инсоният учун зарурият ҳисобланади. Лекин тарихий воқелик ер билан боғлиқ муносабатлар барча соҳаларда тинч ҳал етилмаганлигини кўрсатади.

Натижада давлат томонидан бу муносабатларни тартибга солиш ва келиб чиққан низоларни ҳал этиш меъёрлари ва механизми белгиланди.

Бу қоидалар давлатчилиликнинг турли даврларида ўзгаришлар билан тараққий этди, такомиллашди.

Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида ер ва ер низоларига боғлиқ бўлган жараёнлар ва уларнинг босқичлари йиллар давомида шаклланиб, мураккаблигига кўра мазкур низолар ўз ечимини топишда ривожланиб борувчи ҳуқуқий қоидалар ва тартиб-таомиллар билан бевосита боғлиқликда шаклланиб келди. Мазкур ерга оид муносабатлар эса ижтимоий муносабатларнинг бир қисми бўлиб, унда иштирок этувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақомини



Date: 27th March-2025

Белгилашда ҳозирда ва аввалги даврларда қонунлар, қарорлар, фармонлар ва дастурлар ишлаб чиқилган ва бу нормалар такомиллаштирилмоқда.

Ер билан боғлиқ муаммолар тааллуқлилиги масаласи алоҳида тадқиқотни талаб етувчи масаладир.

Бу борада мутахассислар қуйидагича фикр билдирганлар:-“Тааллуқлилики-бу давлат томонидан ҳал этиладиган ҳуқуқ ҳақидаги низолар ва бошқа юридик ишларнинг у ёки бу давлат органига тегишли эканидир. Бу турли юрисдикциявий ишларнинг ваколатли давлат органлари томонидан кўриб, маҳмунан ҳал этиооши ҳисобланади. Бунда низони давлат органига тааллуқли экани қонун билан белгиланганлиги асосий хусусият эканига эътиборимизни қаратишимиз зарур.

Ерга оид низоли, муаммоли муносабат ҳам давлат ваколатли органлари томонидан мазмунан кўриб чиқилади.

Бу борада қонунчилик ечимлари мавжуд, хусусан мамлакатимизда маъмурий тузилмалар ўртасида ер билан боғлиқ низолар давлат олий органига тааллуқли ҳисобланади. Бу масала бир неча тадқиқотлар мавзуси ҳисобланиб, олимларимиз, ҳуқуқшуносларимиз томонидан тадқиқ этилмоқда.

Ер билан боғлиқ низоларнинг суд ҳокимиятига тааллуқли ҳолатлари мазмунан қонунчилигимизда мустаҳкамланган.

Ер муносабатлари энг аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган тамойилларга асосланиб, асосий бош қомусимизда мамлакатимиз ҳуқуқий тизимининг ривожланишини омили сифатида намоён бўлади. Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олидаги юксак масъулиятимизни англаган ҳолда, давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлиги ва гуллаб яшнашини таъминлашни мақсад қилган ҳолда қабул қилинган бош қомусимизнинг 68-моддасида “Ер, ер ости бойликлари, сув ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.

Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин¹⁷,- деб белгилаб қўйилди. Ушбу конституциявий қоидаларни амалга ошириш инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлайдиган махсус давлат-ҳуқуқий механизмларини яратишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, фуқаролик жамияти

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси www.lex.uz. 01.05.2023 йил



Date: 27th March-2025

ва унинг аъзоларини давлат ҳокимияти органлари билан муносабатларда ҳуқуқий ҳимоя қилиш зарурлигига асосланган қонун устуворлигининг ажралмас институтларидан бири бўлган маъмурий одил судловни ривожлантириш жуда муҳимдир.

“Ер умуммиллий бойликдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади¹⁸”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони ва 2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон -2030” стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да таъкидланган маъмурий судларни ташкил этиш зарурати суд тизимининг ҳозирги ҳолатини ўрганиш билан бир қаторда ушбу судларнинг ташкил этилишининг мумкин бўлган оқибатларини ўрганишнинг долзарблигини белгилаган бўлса, халқимизнинг эркин ва фаровон, қудратли Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хошиш иродасини рўёбга чиқариш ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш мақсадида Янги ўзбекистон тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган тажриба ва жамоатчилик муҳокамаси натижалари асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон -2030” стратегиясида кўзланган 5 та устувор йўналиш бўйича 100 та мақсаднинг “қонун устуворлигини таъминлаш ва суд ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг 85-мақсадида “давлат органлари ва мансабдор шахсларининг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда маъмурий адлия тизимини янада ривожлантиришда 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичи яъни маъмурий судларга бевосита мурожаат қилишга тўсқинлик қилаётган омилларни тўлиқ бартараф этиш, судга қадар босқичда низоларни ҳал қилиш самарадорлигини 50 фоизга ошириш, судга қадар ҳал этилиши мумкин бўлган низолар юзасидан судга келиб тушадиган ишлар сонини 50 фоизга камайтириш, маъмурий тартиб-таомиллар принципларини йўл ҳаракатини тартибга солувчи белгилар ва ишораларга тўлиқ тадбиқ этиш” шартларни белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисидаги ПФ-58-сонли фармони билан тасдиқланган 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичларининг IV бўлими “Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш¹⁹”, -деб мазкур бўлимнинг 4,2-банди эса “Қонун

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси” Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон

¹⁹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. // Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. - 464 б.



Date: 27th March-2025

устуворлигини таъминлаш ва суд ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар” деб номланганлиги ҳам бежиз эмас. Ушбу стратегияда жаҳон одил судлов лойиҳасининг Ҳуқуқ устуворлиги индекси бўйича 0,64 баллни тўплашга эришиш мақсадлардан бири этиб белгиланган²⁰.

Ушбу ислоҳотлар натижаси ўлароқ мамлакатимиз қонунчилигида ҳам мазкур қоидалар ўз аксини топмоқда.

Ер билан боғлиқ низоларни кўриб мазмунан ҳал этиш борасида Ўзбекистон ўз миллий тажрибасига эга.

Мустақиллик дастлабки даврларида ер билан боғлиқ низоларни ваколати доирасида умумий судларда кўриб, қарорлар чиқарилган.

Ислоҳотлар натижасида судлар ихтисослаштирилди. Суд ҳокимияти ваколатлари ва дахлсизлиги таъминланмоқда. Бир-бирини тийиб туриш тамойили амалга тадбиқ этилди ва давлат органларининг ер билан боғлиқ оммавий низоларини махсус судлар томонидан кўрилмоқда.

Президент Ш. Мирзиёев,- “Суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўғрисидаги конституциявий нормаларга ва одил судловни амалга ошириш фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш олдимизга қўйган мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир²¹” –деб таъкидлар экан, амалий ҳаётда ҳам бу ўз аксини кўрсатмоқда.

Суд ислоҳотлари натижасида давлат органларининг ер билан боғлиқ қарорлари ва ҳужжатлари бўйича низолар маъмурий судларда кўрилиши белгиланди.

МСИЮТКнинг 27-моддасига асосан, суд: биринчидан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги; иккинчидан, давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; учинчидан, сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; тўртинчидан, нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги; бешинчидан, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат

²⁰ Судья маънавияти, одоби ва масъулияти. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. Тошкент-2021й, 100-бет

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.10.2016 й. ПФ-4850-сон "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони



Date: 27th March-2025

рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги; олтинчидан, инвестиция низолари бўйича; еттинчидан, рақобат тўғрисидаги; саккизинчидан, маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича ундириш сўзсиз тартибда амалга ошириладиган ижро ҳужжати ёки бошқа ҳужжат устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади. Суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади. Хусусан, ерга оид низолар умимий юрисдикция судлар билан бирга оммавий муносабатлардан келиб чиқса, маъмурий судларда кўриб ҳал этилади. Айни пайтда маъмурий судларда кўриладиган ерга оид оммавий низолар ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарорларни ҳақиқий эмас деб топиш, тендер натижаларини ҳақиқий эмас деб топиш, ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги ваколатли органнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш, ер майдонидаги қурилмаларни фойдаланишга қабул қилиш далолатномасини ҳақиқий эмас деб топиш ва бошқа ер билан боғлиқ оммавий низолар бўлса, уларнинг асоси маъмурий органнинг манфаатдор шахсни ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларига дахлдор бўлиб, уни бузган деб ҳисоблаётган қарорлари ва уларни мансабдор шахсларини ҳатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлигида) намоён бўлади.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. // Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. - 464 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.10.2016 й. ПФ-4850-сон "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони
3. Судья маънавияти, одоби ва масъулияти. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши. Тошкент-2021й.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси www.lex.uz. 01.05.2023 йил
5. Ўзбекистон Республикаси “Ер Кодекси” Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 17.08.2021 й., 03/21/708/0799-сон
6. Уринова Зайнабхон Тожиддиновна. ЕРГА ОИД ОММАВИЙ НИЗОЛАРНИ МАЪМУРИЙ СУДЛАРДА КўРИШНИНГ ўЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. СУДЛАРДА МОДДИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ. илмий конференция материаллари тўплами 2024 йил 2 май. **Ошибка! Закладка не определена.**-455